

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **490 «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида**

«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Васийлик ва ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкни ҳисобга олиш давлат реестри тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдини юритиш ва васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 5-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда) 1-бандининг учинчи хатбоши, шунингдек қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 22 сентябрь,  
269-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Васийлик ва ҳомийлик органлари**

#### **1. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органларининг ваколатларини, уларнинг вазифалари ҳамда васийликни ва ҳомийликни белгилаш, амалга ошириш ва тўхтатиш тартибини белгилайди.

2. Васийлик ва ҳомийлик фаолияти:

а) вояга етмаганларга нисбатан — туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари;

б) суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган фуқароларга нисбатан — туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари;

в) соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга нисбатан — туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васийлик ёки ҳомийлик белгилаш Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари зиммасига юкланади.

4. Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

#### **2. Васийлик ва ҳомийлик органларининг ваколатлари, уларнинг вазифалари**

5. Туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари васийлик ва ҳомийлик соҳасида ўз ваколатлари доирасида:

етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритадилар;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритадилар, маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этадилар, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этадилар;

етим болаларнинг ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдилар;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ҳамда васийларга ва ҳомийларга қўйиладиган талабларга мос бўлган шахсларни танлашни ҳамда ҳисобга олишни амалга оширадилар;

етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни, шунингдек уларнинг мол-мулкининг бут сақланишини таъминлайдилар;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритадилар;

васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширадилар, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни тарбиялашда, тиббий кузатувини ташкил этишда ёрдам кўрсатадилар;

васийликни ёки ҳомийликни тугатиш тўғрисида, васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритадилар;

боланинг ҳаётига ёки соғлиғига беvosита таҳдид пайдо бўлган ҳолларда уни ота-онасидан ёхуд ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйиш чораларини кўрадилар;

давлат муассасаларига (интернатларга) жойлаштириладиган балоғатга етмаганларнинг ҳисобини олиб борадилар ва ҳужжатларини тайёрлайдилар;

ота-оналар ва болалар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳолларда болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлайдилар;

белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этадилар, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида, шунингдек, ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда иштирок этадилар;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладилар.

Туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6. Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида:

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларни аниқлайдилар ҳамда уларнинг ҳисобини юритадилар;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритадилар, маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этади, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этадилар;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдилар;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларни васийлик ёки ҳомийликка жойлаштирилишини таъминлайдилар;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритадилар;

васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширади, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни парвариш қилишни, тарбиялашни ва уларнинг тиббий кузатувини ташкил этишда ёрдам кўрсатадилар;

васийликни ёки ҳомийликни тугатиш тўғрисида, шунингдек васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритадилар;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан белгиланган тартибда ариза билан судга мурожаат қиладилар, мазкур масалалар юзасидан ишларни суд мажлисларида кўриб чиқишда иштирок этадилар;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладилар;

фуқароларга васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича маслаҳатлар берадилар;

фуқароларнинг васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқадиладар ва улар юзасидан чора-тадбирлар кўрадилар;

васийлик ва ҳомийликни белгилаш юзасидан қабул қилинган ҳоким қарорларининг ижроси юзасидан тегишли муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қиладилар.

Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7. Туман, шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ўз ваколатлари доирасида:

соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахсларни аниқлайдилар ва уларнинг ҳисобини юритадилар;

соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритадилар, маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этадилар, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этадилар;

соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахсларни ҳомийликка жойлаштирилишини таъминлайдилар;

ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритадилар;

ҳомийларнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширадилар, уларга ҳомийликдаги шахсларнинг тиббий кузатувини ташкил этишда ёрдам кўрсатадилар;

ҳомийликни тугатиш тўғрисида, шунингдек ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритадилар;

ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан белгиланган тартибда ариза билан судга мурожаат қиладилар, мазкур масалалар юзасидан ишларни суд мажлисларида кўриб чиқишда иштирок этадилар;

ҳомийликдаги шахсларга маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладилар;

фуқароларга ҳомийлик масалалари бўйича маслаҳатлар берадилар;

васийлик ва ҳомийликни белгилаш юзасидан қабул қилинган ҳоким қарорларининг ижроси юзасидан тегишли муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қиладилар.

Туман, шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этадилар;

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади-лар, тасдиқлайдилар ҳамда амалга оширадилар;

васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги вазифаларни бажарувчи ҳудудий давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилишни ҳамда мувофиқлаштириб боришни амалга оширадилар;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқадилар ҳамда амалга оширадилар;

давлат реестрини юритадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9. Туманлар, шаҳарлар ҳокимлари васийлик ёки ҳомийликни белгилаш ва тугатиш бўйича, шунингдек васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қиладилар. Мазкур қарорлар васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан манфаатдор ташкилот ва шахсларга юборилади.

10. Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

11. Васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятига раҳбарликни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширадилар.

### **3. Васийлик ва ҳомийлик органларининг алоҳида функциялари**

#### **1-§. Судлар томонидан болалар тарбияси тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда васийлик ва ҳомийлик органларининг иштироки**

12. Оила кодексининг 88-моддасига мувофиқ, суд томонидан болалар тарбияси тўғрисидаги низолар кўриб чиқиладиганда, боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, васийлик ва ҳомийлик органи ишда қатнашишга жалб қилиниши керак.

13. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳамда уни ўз тарбиясига беришни талаб қиладиган шахснинг (шахсларнинг) турмуш шароитларини текширувдан ўтказиш ва текшириш далолатномасини ҳамда унга асосланган низо моҳияти бўйича хулосани судга тақдим қилиши шарт.

14. Оила кодексининг 87-моддасига мувофиқ боланинг ҳаётига ёки унинг соғлиғига бевосита хавф туғилганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олиб қўйишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиб қўйиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли далолатномаси асосида амалга оширилади.

15. Бола олиб қўйилганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорни хабардор қилиши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болани олиб қўйиш ҳақидаги

далолатномаси чиқарилгандан кейин етти кун мобайнида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш ҳақида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.

16. Болани олиб қўйиш ва уни бошқа шахсга (шахсларга) бериш билан боғлиқ ишлар бўйича суднинг қарорларини мажбурий тартибда ижро этиш васийлик ва ҳомийлик органи ва бола тарбиялашга берилаётган шахс (шахслар)нинг мажбурий иштирокида, зарур ҳолларда эса — ички ишлар органи вакили иштирокида амалга оширилиши лозим.

Оила кодексининг 196-моддасига мувофиқ, болаларни оилга тарбияга олиш тўғрисидаги битимларни бекор қилишга оид низолар суд тартибида ҳал қилинади.

### **2-§. Васийлик ва ҳомийлик органларининг туғилишни қайд қилишдаги ваколатлари**

17. Туғилишни қайд қилишда боланинг отаси ва онаси ҳақидаги маълумотлар бўлмаган ҳолларда ота ва она ҳақидаги ёзувлар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига ва мазкур Низомга биноан васийлик ва ҳомийлик органи кўрсатмаси бўйича амалга оширилади.

18. Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади.

Агар ота-оналар турли фамилияларда бўлса, унда ота-онанинг келишувига биноан болага улардан бирининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра ота ёки она томонидан бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасидаги боланинг исми ва (ёки) фамилиясига доир пайдо бўлган келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

19. Ота-онасининг ўртасида никоҳдан ажралиши ёки никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши боланинг фамилияси ўзгаришига сабаб бўлмайди. Агар ажралишдан, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганидан кейин ёки ота-онадан бири оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганидан сўнг болани ўз тарбиясига олган ота ёки она унга ўз фамилиясини беришни хоҳласа, бу масала васийлик ва ҳомийлик органи томонидан боланинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади.

### **3-§. Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан болалар тарбияси ва улар билан кўришиб туриш тўғрисидаги масалаларнинг ҳал этилиши**

20. Болалар тарбияси ва таълимига тааллуқли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан уларнинг ўзаро келишуви бўйича ҳал этилади. Ота-она ўртасидаги боланинг тарбияси ва таълимига доир келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи ёки суд томонидан ҳал этилади.

21. Ота-оналар боладан алоҳида яшайдиган ота-она томонидан ота-она-

лик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-она (улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади.

22. Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар (улардан бири) боланинг яқин қариндошларга у билан кўришиб туришни рад этган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бирини) бундай кўришиб туришларга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклаши мумкин.

#### **4-§. Васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни фарзандликка олиш ва оилага тарбияга бериш (патронат) билан боғлиқ масалалардаги ваколатлари**

23. Васийлик ва ҳомийлик органи болаларни фарзандликка олиш ва оилага тарбияга бериш (патронат) билан боғлиқ масалалардаги ваколатлари доирасида:

болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг, фарзандликка олган ва фарзандликка олинганларнинг ҳисобини юритади, фарзандликка олиш сирининг сақланишини таъминлайди;

туман, шаҳар судига вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади ва суд жараёнида иштирок этади;

фарзандликка олишни бекор қилиш учун судга белгиланган тартибда ҳужжатлар тайёрлайди;

болаларни оилага тарбияга (патронат)га олишни истаган шахсларнинг ҳисобини юритади;

болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида битим тузади ва уни бекор қилади.

24. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари, шунингдек прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади.

25. 10 ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олишда боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётганда аниқланади.

26. Агар бола васийлик ёки ҳомийликда бўлса ва уни фарзандликка олиш



учун ота-она розилиги талаб қилинмаса, фарзандликка олиш васий ёки ҳомийнинг розилиги билан амалга оширилади.

27. Васийлик ва ҳомийлик органи Оила кодексининг 169-моддасида белгиланган ҳолларда фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисида даъво аризаси билан судга муурожаат қилиши мумкин.

28. Агар даъво васийлик ва ҳомийлик органига нисбатан қилинган бўлса, у бу ҳақда фарзандликка олган шахсга хабар бериши шарт, фарзандликка олган шахс ишни кўриб чиқишда жавобгар томонида иштирок этишга ҳақлидир.

29. Васийлик ва ҳомийлик органи тутинган ота-оналарни танлашни амалга оширади, улар билан болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисида битим тузади.

30. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги битим узрли сабаблар (қасаллиги, оилавий ёки мулкӣ ҳолатининг ўзгариши, тарбиясидаги болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар) мавжуд бўлса, болаларнинг тутинган ота-онасининг ташаббуси билан, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг ташаббуси билан ёки бола ота-онасига қайтарилган ёхуд бола фарзандликка олинган тақдирда, муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

31. Васийлик ва ҳомийлик органи оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб боради.

#### **5-§. Васийлик ва ҳомийлик органининг вояга етмаганларни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) бўйича ваколатлари**

32. Вояга етмаган, ўн олти ёшга тўлган шахс, агар у меҳнат шартномаси бўйича ишлаб турган ёки ота-онаси, фарзандликка олганлар ёхуд ҳомийнинг розилиги билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

33. Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига кўра, иккала ота-онанинг, болани фарзандликка олганларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суд қарори билан амалга оширилади.

#### **4. Васийлик ва ҳомийлик органининг қарори ҳамда васий ва ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш**

34. Туман, шаҳар ҳокимининг васийликни ёки ҳомийликни белгилаш ва тугатиш, васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш тўғрисидаги, васийлик ва ҳомийлик органларининг дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги қарорла-

ри юзасидан манфаатдор шахслар томонидан судга шикоят қилиниши мумкин.

35. Васий ва ҳомийнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс, давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг яшаш жойидаги фуқаролар томонидан тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

36. Васийлик ва ҳомийлик органининг қарори ҳамда васий ва ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан қилинган шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

### **5. Васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини мувофиқлаштириш**

37. Васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузурида васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар ташкил этилади.

38. Туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини назорат қилиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

давлат реестрига маълумотларнинг ўз вақтида киритилишини таъминлаш;

васийлик ва ҳомийликни белгилаш, васий ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёки четлаштириш юзасидан ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тегишли хулосалар тайёрлаш;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни Болалар уйлари ва Меҳрибонлик уйларига жойлаштиришга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тегишли хулосалар тайёрлаш.

Туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

39. Туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссия таркиби етти кишидан иборат бўлади, шу жумладан:

комиссия раиси — туман, шаҳар ҳокимининг ўринбосари;

комиссия аъзолари — туман, шаҳар ҳокимлигининг юридик хизмати ходими, ижтимоий масалалар бўйича мутахассиси (масъул котиб), туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг туман, шаҳар бўлими ходимлари.

Зарур ҳолларда комиссия ишига бошқа манфаатдор шахслар ва мутахассис-экспертлар ҳам таклиф қилиниши мумкин.

40. Туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссия таркиби туман, шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланади.

**6. Туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, тиббиёт бирлашмалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолияти**

41. Етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш ва жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг махсус тайинланган мутахассиси томонидан амалга оширилади.

42. Муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, муомалага лаёқатли, соғлигининг ҳолатига кўра васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган вояга етган шахсларни ўз вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тегишли равишда вилоят, туман, шаҳар психоневрология диспансерлари ва туман поликлиникалари мутахассислари, шунингдек туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар томонидан амалга оширилади.

43. Васийлик ва ҳомийлик масалаларини ҳал қилиш учун вилоят, туман, шаҳар психоневрология диспансерлари, туман поликлиникалари, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳузурида васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар ташкил этилади.

44. Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссия қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайди:

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахслар ва уларга тегишли мол-мулкнинг, шунингдек васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг ҳисобини юритиш, ушбу маълумотларни давлат реестрига киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш;

ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритиш;

васийлик ёки ҳомийликни белгилаш, тугатиш, васийларнинг ёки ҳомийларнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларни туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза билан мурожаат этиш;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг даволанганлик ёки улар аҳволининг яхшиланиши ҳолатларида уларнинг муомалага лаёқатини тиклаш масаласида судга илтимос билан мурожаат этиш ва суд мажлисларида иштирок этиш;

туман, шаҳар психоневрология диспансерлари ва туман поликлиникалар ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

45. Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар таркиби беш кишидан иборат бўлади, шу жумладан:

комиссия раиси — бошлиқнинг амбулатория-поликлиника ёрдами бўйича ўринбосари;

комиссия аъзолари — ташкилий-методик бўлим мутахассиси (масъул котиб), юрисконсулт, шифокор-психиатр, оила(худуд) шифокори.

46. Виложат, туман, шаҳар психоневрология диспансерлари ва туман поликлиникалари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссия қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайди:

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ҳисобини юритиш;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза билан мурожаат этиш учун ҳужжатларни тайёрлаш;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг даволанганлик ёки улар аҳволининг яхшиланиши ҳолатларида уларнинг муомалага лаёқатини тиклаш масаласида судга илтимос билан мурожаат этиш;

ҳомийликдаги шахсларни даволаш, парвариш қилиш, тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклаш ишларини амалга ошириш;

васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш, ушбу шахслар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик ҳолатларида тегишли далолатномани тузиш ва туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик комиссиясига юбориш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган ҳамда васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар тўғрисидаги маълумотларни туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларига юбориш.

47. Вилоят, туман, шаҳар психоневрология диспансерлари ва туман поликлиникалари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиянинг таркиби беш кишидан иборат бўлади, шу жумладан:

комиссия раиси — бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари;

комиссия аъзолари — тиббий ҳамшира (масъул котиб), шифокор-психиатр, шифокор-невропатолог, оила (ҳудуд) шифокори.

48. Вилоят, туман, шаҳар психоневрология диспансерлари ва туман поликлиникалари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссия таркиби тиббий муассаса бош шифокори бўйруғи билан тасдиқланади.

49. Туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссия қўйидаги вазибаларнинг амалга оширилишини таъминлайди:

соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган фуқароларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш;

соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган вояга етган фуқаролар, уларни жойлаштириш ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш;

ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритиш;

ҳомийликни белгилаш, тугатиш, ҳомийларнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёки четлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларни туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш.

Туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

50. Туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар таркиби беш кишидан иборат бўлади, шу жумладан:

комиссия раиси — бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарининг ўринбосари;

комиссия аъзолари — аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича гуруҳ мутахассиси (масъул котиб), аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича гуруҳ мутахассиси, ижтимоий ходим, юрисконсулт.

51. Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар таркиби тиббиёт бирлашмаси ёки бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари бўйруғи билан тасдиқланади.

## II. Васийлик ва ҳомийлик

### 1. Умумий қоидалар

52. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларга ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ, шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланади.

Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим ва ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган болаларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланади.

53. Васийлик ёки ҳомийлик етим болаларга ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга қуйидаги ҳолларда белгиланади:

ота-онаси вафот этганда ёки суд томонидан вафот этган деб эълон қилинганда;

ота-онаси суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда;

ота-онаси икки ойдан ортиқ касал бўлиши оқибатида ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажара олмаганда;

ота-онаси суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

ота-онаси яшаш жойида вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан олти ойдан ортиқ муддатга қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлса;

ота-онаси яшаш жойида олти ойдан кам муддатга вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлса, агар васийлик ёки ҳомийлик боланинг манфаатлари учун зарур бўлса;

ота-онаси бедарак йўқолганда;

ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоӣ муҳофаза қилиш муассасалари ва шунга ўхшаш муассасалардан боласини олишдан бош тортганда, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаган болага, агар ота-онаси билан туриши ушбу шахсининг қонуний манфаатларига жавоб бермаслиги ҳамда унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланганда васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин.

54. Соғлиғининг ҳолатига кўра ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган

муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик ушбу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин.

55. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳисобини юритиш, васийлик ва ҳомийликни белгилаш ва амалга ошириш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича бажарилади.

## 2. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни ҳисобга олиш

56. Мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни химоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ва бошқа муассасалар, шунингдек фуқаролар васийлик ва ҳомийлик органларига қўйидаги васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганда:

ота-онаси вафот этган ёки суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган болалар тўғрисида;

ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган болалар тўғрисида;

ота-онаси ота-оналик ҳуқуқлари чекланган болалар тўғрисида;

ота-онасининг тарбиясида бўлиши болалар манфаатларига зид бўлганда, шунингдек уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжуд бўлган болалар тўғрисида;

ота-онаси 6 ойдан ортиқ муддатда йўқ бўлган болалар тўғрисида, агар бола қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлса;

ота-онаси 6 ойдан кам муддатда вақтинча бўлмаган болалар тўғрисида, агар бу болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса;

ота-онасининг касаллиги сабабли ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисида;

ота-онаси уларни тарбиялаш, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортган болалар тўғрисида;

одам савдосидан жабрланган болалар тўғрисида;

ота-онаси номаълум бўлган ёхуд улар суд томонидан бедарак йўқолган деб эътироф этилган болалар тўғрисида;

бошқа сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этилган фуқаролар тўғрисида;

соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли шахслар тўғрисида маълумотлар бериши шарт.

57. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик органларига мазкур шахслар аниқланган кундан эътиборан етти кун мобайнида ёзма шаклда юборди.

58. Васийлик ёки ҳомийлик белгилаш зарурлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши керак.

### **3. Васийлик ёки ҳомийликни белгилаш, васийни ва ҳомийни тайинлаш**

#### **1-§. Умумий қоидалар**

59. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотлар олинган кундан эътиборан уч кун мобайнида уларнинг турмуш ва таъминот шароитларини текширувдан ўтказиши ҳамда бу ҳақда далолатнома тузади.

60. Текширув ўтказилгандан сўнг васийлик ва ҳомийлик органи етти кун мобайнида қуйидагиларни амалга оширади:

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгилаш зарурлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш шароитларини текширувдан ўтказиши ва бу ҳақда далолатнома тузади;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди.

61. Васийлик ва ҳомийликка оид ишларни кўриб чиқишда васийлик ва ҳомийлик органлари васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларни, васийлар ва ҳомийларни, ариза берувчиларни, манфаатдор ва ишга алоқадор шахслар (қариндошлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, экспертлар, гувоҳлар ҳамда айрим ҳолларда — васийликка ёки ҳомийликка муҳтож шахслар)ни таклиф қилиши мумкин.

62. Васийлик ва ҳомийлик васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.

63. Васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

64. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга васий ёки ҳомий тайинлаш учун васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларни васий ёки ҳомий тайинлаш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилган кундан бошлаб етти кун мобайнида туман, шаҳар ҳокимлигига мазкур Низомнинг 78 — 82-бандларида назарда тутилган тегишли ҳужжатларни тақдим этади.



65. Туман, шаҳар ҳокими ҳужжатларни олган кундан бошлаб уч кун мобайнида васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун киритади.

66. Туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссия васийлик ва ҳомийликни белгилаш юзасидан тақдим қилинган ҳужжатларни беш кун мобайнида кўриб чиқади ва тегишли хулоса тайёрлайди.

67. Туман, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссия хулосаси асосида беш кун мобайнида васийлик ёки ҳомийлик бўйича мажбуриятларни бажариш учун туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан васий ёки ҳомий тайинланади.

Ҳокимнинг васий ёки ҳомийни тайинлаш бўйича қарори бир кун мобайнида васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан васий ёки ҳомийларга юборилади.

68. Васий ёки ҳомий тайинлашда унинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, мажбуриятларни бажариш қобилияти, васий, ҳомий ва васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс ўртасидаги муносабатлар, васий ёки ҳомий оиласининг васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга муносабати, шунингдек 10 ёшга тўлган ҳомийликка олинувчининг истаги инобатга олинishi лозим.

69. Васий ёки ҳомий этиб вояга етган фуқаролар уларнинг розилиги билангина, мазкур Низомнинг 68-бандида назарда тутилган ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда, тайинланиши мумкин.

70. Тарбиялаш ва даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасаларда таълим-тарбия олаётган ва таъминотида бўлган даврда васийлик ва ҳомийлик белгиланишига муҳтож шахсларга васийлик ёки ҳомийлик белгиланмайди, васийлар ва ҳомийлар мажбуриятларини бажариш ушбу муассасаларга юкланади.

71. Қуйидаги шахслар васий ва ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмас; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

собиқ фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олиш уларнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинганлар билан шафқатсиз муносабатда бўлганлиги, сурункали алкоғолизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги оқибатида бекор қилинган бўлса;

ўз зиммаларига юкланган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёки ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилганлиги учун васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган шахслар; қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар.

72. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш мол-мулкнинг жойлашган жойи бўйича белгиланади.

Васийлар ва ҳомийлар васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш, мол-мулкни бошқариш ва сақлаш бўйича ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этадилар.

## **2-§. Алоҳида ҳолатларда васийлик ва ҳомийликни белгилаш, васий ва ҳомийни тайинлаш хусусиятлари**

73. Ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан олти ойдан ортиқ муддатга қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлса, уларнинг васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси асосида, ушбу аризада аниқ шахс ҳамда васий ёки ҳомий ваколатларининг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда, мазкур шахсларнинг болага нисбатан васийлиги ёки ҳомийлиги белгиланади.

Ота-она яшаш жойида олти ойдан кам муддатда вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлса, васийлик ёки ҳомийлик, агар бу боланинг манфаатлари учун зарур бўлса, уларнинг васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси асосида, ушбу аризада аниқ шахс ҳамда васий ёки ҳомий ваколатларининг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда белгиланади.

74. Агар васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг манфаатини кўзлаб унга дарҳол васий ёки ҳомий тайинланиши зарур бўлса, шу жумладан болалар ота-онасидан ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйилса васийлик ва ҳомийлик органи бир ой муддатга дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг аризасига кўра, агар мазкур шахс томонидан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи томонидан унинг турмуш шароитларини текшириш далолатномаси, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотнома ва тавсифнома тақдим этилса, васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади.

Дастлабки тарзда тайинланган васийлар ёки ҳомийлар васийнинг ёки ҳомийнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни унинг номидан тасарруф этиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Агар васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсга дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилин-

ган кундан эътиборан бир ой ўтгунга қадар жойлаштиришнинг у ёки бу шакли танланган бўлса ёхуд вақтинча тайинланган васий ёки ҳомий унга васий ёки ҳомий этиб тайинланмаса, дастлабки тарздаги васийлик ёки ҳомийлик тугайди.

75. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг қонуний манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, унга туман, шаҳар ҳокими қарори билан бир нечта васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин.

Бир нечта васий ёки ҳомий тайинланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бир вақтнинг ўзида барча васийлар ёки ҳомийлар томонидан амалга оширилади. Агар васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ишларини юриштиш васийларнинг ёки ҳомийларнинг бирига топширилса, бу шахс қолган васийлардан ёки ҳомийлардан ишончномалар олган бўлиши лозим.

Бир нечта васий ёки ҳомий тайинланганда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг парвариш қилинишини таъминлаш ва унинг тиббий ёрдамни ўз вақтида олишига кўмаклашишга доир мажбуриятлар, васийликдаги ёки ҳомийликдаги вояга етмаган шахсга нисбатан эса, шунингдек таъминот, тарбия ва таълим беришга доир мажбуриятлар васийлик ва ҳомийлик органларининг уларни тайинлаш ҳақидаги хулосасига мувофиқ васийлар ёки ҳомийлар ўртасида тақсимланади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ва бир вақтнинг ўзида барча васийларнинг ёки ҳомийларнинг манфаатлари ўртасида, шунингдек васийлар ёки ҳомийлар ўз мажбуриятларини бажараётганда васийлар ёки ҳомийлар ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи юзага келган қарама-қаршиликлар ҳал этилгунга қадар васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажаради.

76. Зарурат бўлганда, васийликка ёки ҳомийликка олинувчиларнинг қонуний манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, туман, шаҳар ҳокими қарори билан бир шахс бир нечта васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин.

Шахсни иккинчи ва ундан кейинги васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга васий ёки ҳомий этиб тайинлаш тўғрисидаги туман, шаҳар ҳокими қароридан бошқа шахс васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмаслигининг сабаблари кўрсатилган бўлиши шарт.

Айнан бир васий ёки ҳомий ўз мажбуриятларини бажараётганда унинг васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсларнинг манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи юзага келган қарама-қаршиликлар ҳал этилгунга қадар васийнинг ёки ҳомийнинг мажбуриятларини бажаради.

77. Туман, шаҳар ҳокими қарори билан ота-онанинг узрли сабабларга кўра ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун ўзининг вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси асосида васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин, ушбу аризада аниқ шахс ҳамда васий ёки ҳомий ваколатларининг амал қилиш муддати кўрсатилади.

Вояга етмаган болаларнинг ота-онаси ўз соғлиғи ҳолатига кўра болаларига васийни ёки ҳомийни, агар унинг розилиги бўлса, белгилаши мумкин. Ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризаси болаларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризаси ушбу ариза ёзилган сана кўрсатилган ҳолда уларнинг ўз қўли билан имзоланган ва нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Ота-она ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризасини болаларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига янги ариза бериш йўли билан бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли.

Ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганга ҳомий вояга етмаганнинг аниқ шахс кўрсатилган аризасига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан тайинланиши мумкин.

Туман, шаҳар ҳокими вояга етмаганнинг отаси (онаси) ёки ота-онаси ёхуд ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганнинг ўзи кўрсатган шахсни васий ёки ҳомий этиб тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарорни фақат бундай тайинлаш қонун ҳужжатларига ёхуд вояга етмаганнинг қонуний манфаатларига зид бўлган тақдирда қабул қилади.

#### **4. Васийлик ёки ҳомийликни расмийлаштириш учун зарур ҳужжатлар**

78. Васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган бола тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этадилар:

а) туғилганлик ҳақида гувоҳнома (паспорт) нусхаси;

болаларнинг ота-она қаровисиз қолганлик ҳолатини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлардан бири:

ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар нусхаси;

ота-онасининг ёки улардан бирининг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақида суд қарори;

ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдан ва таъминотидан бўйин товлаганлиги, ота-оналарга қидирув эълон қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, ички ишлар органлари, даволаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларнинг болаларнинг ота-онасиз қолганлиги тўғрисидаги далолатномалари;

б) соғлиғи тўғрисида тиббий муассаса (тиббий-маслаҳат комиссияси)нинг хулосаси;

в) васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган шахснинг турар жойи, мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар;

г) васийлик ва ҳомийлик органининг васийлик ёки ҳомийлик белгилашига мухтож бўлган шахснинг, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олиш

истагини билдирган шахснинг турмуш шароитлари, оила аъзоларининг саломатлиги ва оиланинг бошқа шароитлари тўғрисидаги текширув далолатномалари;

д) васийлик ва ҳомийлик органининг васий ёки ҳомий белгиланишига мухтож шахсларга нисбатан васий ёки ҳомий белгилаш зарурлиги, васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосалари.

79. Васийлик ва ҳомийлик органлари муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка мухтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

шахснинг муомала лаёқати чекланганлиги ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилгани тўғрисидаги суд қарори (муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз шахслар учун);

даволаш муассасасининг (врачлик-маслаҳат комиссиясининг) фуқаронинг соғлиғи тўғрисидаги хулосаси;

васийлик ва ҳомийлик органининг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахснинг, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олиш истагини билдирган шахснинг турмуш шароитлари тўғрисидаги текширув далолатномаси;

васийлик ва ҳомийлик органининг васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси.

80. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар васий ёки ҳомий этиб тайинланиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

а) васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда турган шахс томонидан никоҳда қачондан бери турганлиги (никоҳда турган шахс учун), эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшаши, оилада фарзандлар бўлса — уларнинг сони ва ёши, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, васийлик ёки ҳомийликка олиш асослари кўрсатилган ариза;

б) шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

в) яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан оила аъзолари кўрсатилган ҳолда олинган маълумотнома;

г) никоҳда турган шахслар учун — никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг (никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг) нусхаси;

д) никоҳда турмаган шахслар учун — паспортининг нусхаси ва никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

е) иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;

ж) ишламайдиганлар учун — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан маълумотнома;

з) иш жойидан ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган тавсифнома;

и) васий ва ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг соғлиғи тўғрисида давлат муассасасининг (врачлик-маслаҳат комиссиясининг) хулосаси, руҳий ва наркологиya муассасаларидан, сил касаллигига қарши курашиш диспансеридан олинган маълумотномалар;

к) васий ва ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар қасддан содир этган жинояти учун илгари судланмаганлиги ҳақида ички ишлар органининг ахборот марказидан олинган маълумотнома.

81. Вояга етмаганларга улар ота-онасининг ёки вояга етмаганларнинг ўз аризасига кўра васий ёки ҳомий тайинлашда, шунингдек ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга васий ёки ҳомий тайинлашда васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, болани васийлик ёки ҳомийликка қолдириш муддатлари ва асослари кўрсатилган ота-онанинг аризаси;

б) васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда турганлиги, эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшashi, оилада фарзандлар бўлса — уларнинг сони ва ёши, васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, васийлик ёки ҳомийликка олиш асослари кўрсатилган аризаси;

в) шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

г) никоҳда турган шахслар (шахс) томонидан васийлик ёки ҳомийликка олинганда — васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

д) никоҳда турмаган шахслар (шахс) томонидан васийлик ёки ҳомийликка олинганда — васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг паспортининг нусхаси ва никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

е) яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотнома;

ж) иш жойидан ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган тавсифнома;

з) васий ва ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг соғлиғи тўғрисида даволаш муассасасининг (врачлик-маслаҳат комиссиясининг) хулосаси.

82. Дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш учун васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

а) васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда турган шахс томонидан никоҳда қачондан бери турганлиги ва уларнинг бирга ёки алоҳида яшashi, оилада фарзандлар бўлса — уларнинг сони, ёши ҳамда васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олиш асослари кўрсатилган ариза;

- б) шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
- в) турар жойидан оила аъзолари кўрсатилган маълумотнома;
- г) турар жойидан тавсифнома.

### 5. Васий ва ҳомийнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари

83. Васийлар ўз васийлигидаги шахсларнинг қонуний вакили бўлиб, уларнинг номидан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб зарур битимларни тузади.

Ҳомийлар ўз ҳомийлигидаги шахсларнинг қонуний вакили бўлиб, ҳомийлигидаги шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишида ва мажбуриятларини бажаришида қўмаклашади, шунингдек уларни учинчи шахсларнинг суистеъмолликларидан муҳофаза қилади.

Васийлар ва ҳомийлар васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини барча муассасаларда, шу жумладан, судда ҳам алоҳида ишончномасиз ҳимоя қилади.

84. Васийлар ва ҳомийлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни унинг фикрини ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш усулларини мустақил белгилаш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни қонуний асосларсиз ўзида ушлаб турган ҳар қандай шахсдан, шу жумладан ота-онасидан ҳамда бошқа яқин қариндошларидан уни қайтариб беришни суд тартибда талаб қилиш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти, унга тарбия, таълим бериш ва унинг соғлиғини сақлаш бўйича ҳуқуқий, услубий, диагностика ва маслаҳат ёрдами олиш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс мустақил равишда амалга оширишга ҳақли бўлмаган битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

зарур ижтимоий ёрдам олиш учун васийлик ва ҳомийлик органларига, таълим муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ташкилотларига мурожаат қилиш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг даволаниши ва соғлиғини тиклаши мақсадида даволаш, санаторий-курорт муассасаларига йўлланмалар олиш учун соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш.

Васийлар ва ҳомийлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

85. Васий ёки ҳомий ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари билан мулоқотда бўлишига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас, бундай мулоқот васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг қонуний манфаатларига мос келмайдиган ҳолатлар бундан мустасно.

86. Васийлар ва ҳомийлар қуйидагиларга мажбур:

ўзининг яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилиш;

Ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни тарбиялаши, унинг таъминоти, соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, шунингдек унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши учун шароитларни таъминлаш;

алиментлар, пенсиялар, нафақалар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ижтимоий тўловлар тўлашни талаб қилиш юзасидан зарур чоралар кўриш;

Ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ўзларига топширилган мол-мулкни асраб-авайлаши, мол-мулкнинг қиймати пасайишига йўл қўймаслиги ҳамда ундан фойда чиқаришга имкон туғдирмаслик;

Ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсларнинг мулкий ҳуқуқларига дахл қиладиган ҳаракатларни амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатларини олиш;

Ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкни бошқаришдан тушган даромадлардан ва бошқа мавжуд маблағларидан унинг таъминоти учун фойдаланиш;

Ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг парвариш қилинишини, тиббий кузатувини ва даволаш-профилактика муассасаларида даволанишини таъминлаш;

васийлик ва ҳомийлик органларига ўз мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида ҳисоботлар тақдим этиш;

Ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс стационарда даволаниш учун жойлаштирилганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларини хабардор қилиш;

агар фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга ёки муомала лаёқати чекланганлигига доир асослар бекор бўлган бўлса, ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш;

Ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги вояга етмаган шахс билан бирга яшаш.

Ҳомийнинг ўз ҳомийлигидаги ўн олти ёшга тўлган шахсдан алоҳида яшашига, башарти бу ҳомийликдаги шахснинг тарбиясига, таъминотига ва таълим олишига, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига салбий таъсир кўрсатмаса, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёзма рухсати билан йўл қўйилади. Ҳомий ўз ҳомийлигидаги шахсдан алоҳида яшаган тақдирда, унинг яшаш, таълим олиш шароитларини назорат қилиши, уни атрофдагиларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиши шарт.

Ўз ҳомийлигидаги шахс билан бирга яшаётган ҳомийнинг яшаш жойини ўзгартириши васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма рухсати ва ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмагanning розилиги билан амалга оширилади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги вояга етмаган шахснинг турар жойи



мавжуд бўлмаган тақдирда, васий ёки ҳомий уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уни олиш бўйича чоралар кўриши шарт.

Муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ҳомийлари уларни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-идрок фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол этишдан, чекишдан ҳимоя қилишга доир зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Васийлар ва ҳомийларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

87. Васий ёки ҳомий, агар ўз қарамоғидаги шахсни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ёхуд психотроп моддаларни истеъмол қилиши натижасида муомала лаёқати чекланган деб топилшига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, уни муомалага лаёқатли деб топишни ва васийлик ёки ҳомийлик бекор қилинишини сўраб судга мурожаат этиши шарт.

88. Васий васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан:

васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим (шартнома)лар тузишга;

васийликдаги шахсга қаршли бўлган мол-мулкни тақсимлаш, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга гаровга қўйиш ёки ижарага беришга;

васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олишдан воз кечишга; васийликдаги шахсга қаршли турар жойни айирбошлашга ҳақлидир.

89. Васий ёки ҳомий, унинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан битимлар тузишга, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан васийнинг ёки ҳомийнинг эри (хотини), унинг яқин қариндошлари ўртасидаги суд ишларини юритишда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг вакили бўлишга ҳақли эмас.

90. Васийлик ва ҳомийлик бўйича мажбуриятлар бепул бажарилади.

Васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминотига доир харажатларининг ўрни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс маблағлари ҳисобидан қопланади, бу маблағ етарли бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг таъминоти учун нафақа тайинлаш мақсадида тегишли органларга мурожаат қилади.

91. Васий ёки ҳомий ўзининг аризасига кўра ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Ҳомий ҳомийликдаги шахснинг талабига кўра ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши лозим.

Васийни ёки ҳомийни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги қарор туман, шаҳар ҳокими томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномаси асосида қабул қилинади.

Вояга етмаганнинг, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаронинг васийси ёки ҳомийси ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинган тақдирда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг истаги инobatга олинган ҳолда унга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа васий ёки ҳомий тайинланади ёхуд жойлаштиришнинг бошқа шакли белгиланади.

Соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаронинг ҳомийси ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинган тақдирда, ҳомийликдаги шахснинг розилиги билан ҳомий сифатида бошқа шахс тайинланади.

Васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажарган шахс ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинганлиги тўғрисида унга маълум бўлган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай васийлик ва ҳомийлик органига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиши шарт.

## 6. Васийлар ва ҳомийлар фаолиятини назорат қилиш

92. Васийлик ва ҳомийлик органи васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариши юзасидан йилига камида икки марта назоратни амалга оширади, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни тарбиялашда, уларнинг тиббий кузатувини ташкил этишда, таълим муассасаларига ҳамда ишга жойлаштирилишида ёрдам кўрсатади.

93. Васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилиши юзасидан назорат васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ёхуд васийларнинг ёки ҳомийларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

94. Васий ёки ҳомий ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилган ҳолларда, уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги қарор туман, шаҳар ҳокими томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномаси асосида қабул қилинади.

Вояга етмаганнинг, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаронинг васийси ёки ҳомийси ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган тақдирда, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг истаги инobatга олинган ҳолда унга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа васий ёки ҳомий тайинланади ёхуд жойлаштиришнинг бошқа шакли белгиланади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар васийнинг ёки ҳомийнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилганлиги тўғрисида, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида ўзига маълум бўлиб қолган шахслар бу ҳақда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳақиқатда турган жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт. Бундай маълумотларни олган васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир зарур чоралар кўриши шарт.

95. Васий ёки ҳомий ўз зиммасига юкланган мажбуриятлардан ғаразли

ёки бошқа паст ниятларда фойдаланганда, васийликдаги ёки хомийликдаги шахсни назоратсиз ва зарур ёрдамсиз қолдирганда, васийлик ва хомийлик органлари уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун зарур чораларни кўриши шарт.

96. Васийлик ва хомийлик органлари васийликдаги ёки хомийликдаги шахсдан ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли етказилган мулкый зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қопланишини васийдан ёки хомийдан талаб қилиши шарт, васийлик ёки хомийлик тугатилганда эса васийликдаги ёки хомийликдаги муомалага лаёқатли шахс талаб қилишга ҳақли.

97. Васий ёки хомий томонидан васийликдаги ёки хомийликдаги шахснинг мол-мулкни сақлашга ва васийликдаги ёки хомийликдаги шахснинг мол-мулкни бошқаришга доир мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда (мол-мулкни яроқсиз ҳолга келтириш, лозим даражада сақламаслик, мол-мулкни белгиланган мақсад учун сарфламаслик, васийликдаги ёки хомийликдаги шахс мол-мулкнинг қиймати пасайишига сабаб бўлган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш ва бошқалар) васийлик ва хомийлик органи бу ҳақда далолатнома тузиши ҳамда васийга ёки хомийга васийликдаги ёки хомийликдаги шахсга етказилган мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида талабнома тақдим этиши шарт.

98. Васийликдаги ёки хомийликдаги шахслар васийнинг ёки хомийнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан тегишли васийлик ва хомийлик органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

99. Васийликдаги ёки хомийликдаги шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилганлиги тўғрисида, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида ўзига маълум бўлиб қолган шахслар бу ҳақда васийликдаги ёки хомийликдаги шахснинг ҳақиқатда турган жойидаги васийлик ва хомийлик органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт. Бундай маълумотларни олган васийлик ва хомийлик органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар васийликдаги ёки хомийликдаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир зарур чоралар кўриши шарт.

## 7. Васийлик ва хомийликнинг тугаши

100. Васийлик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

васийликдаги шахс вафот этганда;

вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганда;

вояга етмаган ота-онасига қайтарилганда;

васийликдаги шахс фарзандликка олинганда;

фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан тикланганда.

101. Вояга етмаган бола ўн тўрт ёшга тўлганлиги сабабли васийлик тугатилгач, васийнинг мажбуриятларини бажарувчи шахс белгиланган тартибда тайинланмаган ҳолда вояга етмаганнынг хомийси бўлиб қолади.

102. Хомийлик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

ҳомийликдаги шахс вафот этганда;  
ҳомийликдаги шахс вояга етганда;  
ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганда;  
ҳомийликдаги шахс фарзандликка олинганда;  
фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг қарори бекор қилинганда;  
вояга етмаган тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация);  
ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда;  
соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг соғлиғи яхшиланганда.

**Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳисобини  
юритиш, васийлик ва ҳомийликни белгилаш ва амалга ошириш  
СХЕМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.

| Босқич-лар | Субъектлар   | Тадбирлар  | Бажариш муддатлари  |
|------------|--|--|---|
| 1-босқич   | <p>Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ФХДЁ органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар</p> | <p>1. Васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг аниқланганлиги тўғрисида далолатнома тузади.<br/>2. Маълумотни васийлик ва ҳомийлик органига юборади.</p>  | <p>аниқланган кундан бошлаб<br/>7 кун мобайнида</p>   |
|            | <p>Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар</p>  | <p>1. Васийлик ва ҳомийлик органига васий ёки ҳомий бўлишга номзод сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этади.<br/>2. Васийлик ва ҳомийликни белгилаш учун зарур ҳужжатларни тақдим этади.</p>  | <p>заруратга кўра</p>   |
| 2-босқич   | <p>Васийлик ва ҳомийлик органлари</p>  | <p>1. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг турмуш ва таъминот шароитларини ўрганади ва тегишли далолатнома тузади.</p>  | <p>шахслар тўғрисидаги маълумотлар олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида</p>                            |
|            |  | <p>2. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни ҳисобга олади.<br/>3. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш шароитини, улар тақдим этган ҳужжатларни ўрганади, тегишли далолатнома тузади ва ҳисобга олади.<br/>4. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди.</p> | <p>муражаат этилган кундан бошлаб 7 кун мобайнида</p>   |
|            |  | <p>1. Васийлик ёки ҳомийликни белгилаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди.<br/>2. Васийлик ёки ҳомийликни белгилаш учун ҳужжатларни туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этади.</p>  | <p>Васий ёки ҳомий этиб тайинлаш мумкинлиги тўғрисида хулоса тузилган кундан бошлаб 7 кун мобайнида</p> |
| 3-босқич   | <p>Васийлик ва ҳомийлик органлари</p>  | <p>Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож шахслар, уларнинг мол-мулки ва жойлаштирилиши ҳақидаги маълумотларни туман, шаҳар ҳокимлигига давлат реестрига киритиш учун тақдим этади.</p>  | <p>ҳар ойнинг<br/>10-санасигача</p>   |

| Босқичлар | Субъектлар   | Тадбирлар  | Бажариш муддатлари   |
|-----------|--|--|--|
| 4-босқич  | Туман, шаҳар ҳоқими  | 1. Ҳоқим васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияга ҳужжатларни тақдим этади.<br>2. Комиссия хулосаси асосида туман, шаҳар ҳоқимининг васий ёки ҳомийни тайинлаш тўғрисидаги қарорини чиқаради.                              | 1) ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида<br>2) 5 кун мобайнида |
|           | Туман, шаҳар ҳоқимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссия | Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда васийлик ёки ҳомийликни белгилаш тўғрисида хулосани тайёрлайди.  | ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида                          |
| 5-босқич  | Васий ёки ҳомий  | 1. Туман, шаҳар ҳоқимининг қарорини олади.   | қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 кун мобайнида                       |
|           |  | 2. Васийлик ёки ҳомийлик мажбуриятларини амалга оширади.   | белгиланган муддат мобайнида   |
|           |  | 3. Ўз мажбуриятларининг амалга оширилиши тўғрисида ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.  | ҳар йилнинг 10 январигача  |
| 6-босқич  | Васийлик ва ҳомийлик органлари   | 1. Ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар турмуш шароитларини ва таъминотини текширади, бу ҳақда далолатнома тузади.   | йилига камида икки марта   |
|           |  | 2. Васийлар ва ҳомийлар томонидан ўзларига юкланган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади.<br>3. Васий ёки ҳомийнинг ҳисоботини қабул қилади.   | доимо ҳар йили 10 январгача  |
|           |  | 4. Ҳомийликдагиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича судга белгиланган тартибда мурожаат қилади, кўрсатиб ўтилган масалаларни кўриб чиқишда суд мажлисларида қатнашади. | заруриятга кўра  |
|           |  | 5. Васийлар ва ҳомийларни ўз вазифаларини бажаришдан озод қилиш, четлаштириш, шунингдек васийлик ва ҳомийлини тўхтатиш тўғрисида туман, шаҳар ҳоқимига илтимоснома киритади.   |  |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган  
шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкани  
ҳисобга олиш давлат реестри тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкани ҳисобга олиш давлат реестрини (кейинги ўринларда давлат реестри деб аталади) шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

Давлат реестри ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича шакллантирилади ва юритилади.

2. Қуйидагилар давлат реестрини шакллантириш ва юритишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахслар, вояга етган муомалага лаёқатли, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон базасини яратиш;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи Ўзбекистон фуқаролари оилаларига тарбияга беришга кўмаклашиш;

болаларни ўз оилаларига тарбияга олиш истагини билдирган фуқароларга етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотлар олиши учун шароитлар яратиш;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларни, вояга етган муомалага лаёқатли, соғлиғининг ҳолатига кўра ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган фуқароларни васийлик ёки ҳомийликка жойлаштиришга кўмаклашиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар мол-мулканинг сақланишини таъминлаш.

3. Давлат реестрини шакллантириш ва юритишда қуйидаги талабларга риоя этилиши зарур:

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ва уларнинг мол-мулклари ҳамда васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органлари ўртасида алмашиш имкониятини яратиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона ахборот алмашиш муҳитини яратиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахслар ва уларнинг мол-мулки ҳамда уларга васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг ишончли ва тўлиқ бўлишини таъминлаш;

маълумотларни қалбакилаштириш, йўқотиш, бузиш ва рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялаш.

## II. Давлат реестрини шакллантириш

4. Давлат реестри васийлик ва ҳомийлик органларидан тушган маълумотлар асосида электрон ҳужжат кўринишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилади ва юритилади.

5. Давлат реестрини шакллантириш учун васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳар ой якуни бўйича навбатдаги ойнинг ўнинчи санасига қадар васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этилади.

6. Болани фарзандликка олиш, оилага тарбияга олиш (патронат), васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар (кейинги ўринларда васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар деб аталади) ўзи ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этади.

## III. Давлат реестрини юритиш

7. Давлат реестри қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, отоналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар ҳақида;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар ҳақида; вояга етган муомалага лаёқатли, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган фуқаролар ҳақида;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар ҳақида.

8. Давлат реестридаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ жадвал шаклида қўйидагиларни ўзи ичига олади:

боланинг фамилияси, исми, отасининг исми;

боланинг туғилган вақти ва жойи, фуқаролиги, миллати;

боланинг шахсий белгилари (бўйи, вазни, кўзининг ранги, сочи ва бошқалар);

боланинг саломатлиги, жисмоний ва ақлий ривожланиш ҳолати;

боланинг феъл-атвори хусусиятлари (киришувчан, тортинчоқ ва ҳ. к.);



боланинг ота-она қарамогидан маҳрум бўлганлигининг сабаблари;  
 етим бола ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган боланинг ота-онаси ёки ёлғиз онасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, фуқаролиги, миллати, соғлиғининг ҳолати (маълумотни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда), доимий яшаш ва (ёки) турар жойи;

боланинг вояга етмаган ака-ука, опа-сингилларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти, соғлиғининг ҳолати (маълумотни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда), турар жойи;

васийлик ва ҳомийлик органига маълум бўлган вояга етган қариндошларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, доимий яшаш ва (ёки) турар жойи, ушбу қариндошлар томонидан болани ўз оиласига тарбияга олиш рад этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар;

болани оилага тарбияга беришнинг мумкин бўлган шакллари;

васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган оилаларга тарбияга бериш борасида кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотлар;

етим бола ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола ҳақидаги маълумотлар ҳисобини юритиш тўхтатилганлиги ҳақида маълумотлар (сабаби кўрсатилган ҳолда);

боланинг мол-мулки ҳақидаги маълумотлар:

ер майдони (ер майдонининг манзили, ҳажми (қв. м), кўчмас мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумот, эгалик ҳуқуқи — сотиб олиш, ҳадя, алмаштириш, мерос ва бошқалар);

турар жой (турар жой манзили, майдони (қв. м), кўчмас мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумот, эгалик ҳуқуқи — сотиб олиш, ҳадя, алмаштириш, мерос, хусусийлаштириш ва бошқалар);

бошқа мол-мулк (мол-мулк манзили, мол-мулк ҳақида маълумот, мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумот (эгалик ҳуқуқи — сотиб олиш, ҳадя, алмаштириш, мерос ва бошқалар)).

9. Давлат реестридаги муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган, вояга етган муомалага лаёқатли, соғлиғининг ҳолатига кўра васийлик ёки ҳомийликдаги шахслар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ жадвал шаклида қуйидагиларни ўз ичига олади:

фамилияси, исми, отасининг исми;

туғилган вақти ва жойи, фуқаролиги, миллати;

фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқарога тегишли мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар:

ер майдони (ер майдонининг манзили, ҳажми (қв. м), кўчмас мол-мулкка эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумот, эгалик ҳуқуқи — сотиб олиш, ҳадя, алмаштириш, мерос ва бошқалар);

турар жой (турар жой манзили, майдони (кв. м), кўчмас мол-мулкка эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумот, эгалик ҳуқуқи — сотиб олиш, ҳадя, алмаштириш, мерос, хусусийлаштириш ва бошқалар;

бошқа мол-мулк (мол-мулк манзили, мол-мулк ҳақида маълумот, мол-мулкка эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумот, эгалик ҳуқуқи — сотиб олиш, ҳадя, алмаштириш, мерос ва бошқалар.

10. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги маълумотлар, агар унинг фарзандликка олувчи, васий (ҳомий) ёки тутинган ота-она бўлиши учун асослар бўлса, мазкур шахснинг ёзма аризаларига мувофиқ давлат реестрига киритилади.

Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритишдан аввал, мазкур шахс ўзи ҳақидаги маълумотлар рўйхати, маълумотларни расмийлаштириш асослари ва улардан фойдаланиш тартиби билан таништирилади.

Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги маълумотлар ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ жадвал шаклида қуйидагиларни ўзи ичига олади:

фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи ҳужжат тури, серияси, рақами, берилган санаси ва берган орган номи, фуқаролиги, миллати, яшаш ёки турар жой манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлган тақдирда);

шахснинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан берилган унинг яшаш шароити, фарзандликка олувчи, васий (ҳомий) ёки тутинган ота-она бўлиши асослиги тўғрисидаги хулосаси (санаси ва рақами);

чет эл фуқаросининг ва чет элда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг яшаш шароити, унинг васий, ҳомий ёки фарзандликка олувчи бўлиши асослиги тўғрисидаги у яшайдиган давлатнинг қонун ҳужжатларига асосан берилган хулосаси (санаси ва рақами), фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг улар доимий яшаётган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган хулосаси (санаси ва рақами);

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахс тўғрисидаги маълумотлар;

етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирган шахс томонидан танланган бола тарбияланаётган муассасага берилган йўлланма ҳақидаги маълумот (санаси, боланинг фамилияси, исми, отасининг исми);

етим бола, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани ўз оиласига тарбияга олиши ёки тарбияга олишини рад этиши тўғрисидаги маълумотлар, сабаби кўрсатилган ҳолда (болани тарбияга олишни рад этган тақдирда);

болани ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирган шахс тўғрисида-

ги маълумотларни давлат реестрида ҳисобини юритиш тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумот, сабаблари кўрсатилган ҳолда.

11. Етим бола ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган бола ва васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳақидаги маълумотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ махфий маълумотлар ҳисобланади, ушбу Низомнинг 14-бандидаги маълумотлар бундан мустасно.

12. Етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эркин маълумотларни яратиш ва фуқароларни хабардор қилиш мақсадида васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ушбу болалар тўғрисидаги махфий маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

Эркин маълумотларни шакллантириш ва улардан фойдаланишда етим бола ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган бола, унинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари ҳақидаги шахсий маълумотларни идентификация қилишга йўл қўйилмайди.

13. Етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги махфий маълумотлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш тақиқланади.

14. Етим бола ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги эркин маълумотлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

жинси, ёши, соғлиги, жисмоний ва ақлий ривожланиш ҳолати, феъл-атворининг хусусиятлари, ота-она қаровисиз қолганлигининг сабаблари;

ота-онаси тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлса, уларнинг соғлигининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар;

вояга етмаган ака-ука, опа-сингилларининг мавжудлиги, уларнинг ёши, соғлигининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар;

вояга етган қариндошларининг мавжудлиги, болани ўз оилаларига тарбияга олишни рад этганликлари тўғрисидаги маълумотлар;

оилага жойлаштиришнинг мумкин бўлган шакллари.

#### **IV. Давлат реестрида васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ва уларнинг мол-мулки ҳисобини юритишнинг тўхтатилиши**

15. Давлат реестрида етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар ва уларнинг мол-мулкининг ҳисобини юритиш қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

етим бола ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган бола тарбиялаш учун оилага (фарзандликка, васийликка (ҳомийликка), оилага тарбияга (патронатга) жойлаштирилганда;

ота-она қармоғидан маҳрум бўлган бола ота-онасига қайтарилганда;

етим бола ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган бола вояга етганда ёки тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация);

етим бола ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган бола вафот этганда.

16. Муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, вояга етган муомалага лаёқатли, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган фуқаролар ва уларнинг мол-мулкининг ҳисобини давлат реестрида юритиш қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, вояга етган муомалага лаёқатли, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган фуқароларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланганда;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг муомала лаёқати тикланганда;

соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган фуқаролар васийлик ва ҳомийлик органига ўзлари ҳақидаги маълумотларнинг ҳисобга олинишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, вояга етган муомалага лаёқатли, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар вафот этганда.

17. Давлат реестрида етим бола ва ота қарамогидан маҳрум бўлган болани ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирган шахс ҳисобини юритиш қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

бола оилга тарбияга (патронатга) олинганда;

бола ота-онасига қайтарилганда;

етим бола ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болани ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирган шахслар васийлик ва ҳомийлик органига давлат реестрида ўзлари ҳақидаги маълумотларнинг ҳисобга олинишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

етим бола ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болани ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирган шахс вафот этганда.

18. Давлат реестрида муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, вояга етган муомалага лаёқатли, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган фуқароларга васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс ҳисобини юритиш қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар васий ёки ҳомий этиб тайинланганда;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс васийлик ва ҳомийлик органига давлат реестрида ўзи ҳақидаги маълумотларнинг ҳисобга олинишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс вафот этганда.

## **V. Давлат реестридан фойдаланиш**

19. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни

олиш учун улар яшаётган ҳудудидаги васийлик ва ҳомийлик органига ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органига ёзма ариза билан мурожаат этади.

20. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар васийлик ва ҳомийлик органидан фарзандликка олувчи, васий ёки ҳомий, тутинган ота-она бўлишга номзодлар сифатида рўйхатдан ўтганидан сўнг, шунингдек улар тўғрисидаги маълумотлар давлат реестрига киритилганидан сўнг, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни олиши мумкин.

21. Васийлик ва ҳомийлик органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органига ариза тушган кундан бошлаб ўн беш кун муддат мобайнида васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсга сўралган маълумотни ёки асосланган рад жавобини тақдим этади.

Васийлик ва ҳомийлик органининг рад жавобида васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс сўраган маълумот берилмаслигининг асослари, ёзма жавобнинг санаси, шунингдек ушбу жавоб устидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилади.

22. Маълумотларни тақдим этиш санаси маълумотларни қайд қилиш дафтаридида қайд этилади.

23. Васийлик ва ҳомийлик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож шахслар тўғрисидаги маълумотлардан фақат хизмат доирасида фойдаланиши мумкин.

24. Етим бола ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болани фарзандликка олиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, боланинг анкетасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оиласига тарбиялашга бериш оиласи ёки фуқаролиги ва яшаш жойидан қатъи назар, боланинг қариндошлари оиласига тарбиялашга бериш бўйича васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан чоралар кўрилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган тақдирдагина бола ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишга ҳақли.

25. Етим бола ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болани оиласига тарбияга олиш истагини билдирган шахслар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишга, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга фақат мазкур шахслар тўғрисидаги маълумотлар давлат реестрига киритилгандагина йўл қўйилади.

26. Васийлик ва ҳомийлик органлари суд, прокуратура ва тергов органларининг расмий сўровларига асосан, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ҳамда ушбу болаларни ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирган шахслар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

27. Агар етим бола ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болани бир неча шахс ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирса, давлат реестрида олдинроқ муддатда рўйхатдан ўтган шахс бола ҳақидаги тегишли маълумотни олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

28. Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим бола ва ота-она

қарамовидан маҳрум бўлган болани ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирган фуқароларга етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларга йўлланма берилади, давлат реестри маълумотларида йўлланма берилганлиги ҳақида тегишли маълумотлар қайд этилади.

29. Агар давлат реестрида етим бола ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болани ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирган фуқаро томонидан сўралган бола тўғрисида маълумот бўлмаса, фуқаронинг ёзма аризасига кўра сўралган болани қидириш давом эттирилади ёки мазкур фуқаро тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритиш тўхтатилади.


## **VI. Яқунловчи қоида**

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкини ҳисобга олиш давлат реестри тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

490-модда

### Васийлик ва ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкини ҳисобга олиш давлат реестрини шакллантириш ва юритиш СХЕМАСИ



| Субъектлар                            | Тадбирлар  | Бажариш муддатлари   |
|---------------------------------------|--|--|
| <p>Васийлик ва ҳомийлик органлари</p> | <p>6. Васийлик ва ҳомийликни белгилаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди.<br/>7. Васийлик ёки ҳомийликка муҳтож шахслар ҳисоби юритилишини тўхтатади.</p> | <p>аниқлангандан кейин 15 кун мобайнида<br/>васийлик ёки ҳомийлик белгилангандан кейин 1 кун мобайнида</p> |



**Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкани ҳисобга олиш давлат реестридаги етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР**

|    |  |
|----|--|
| 1  | T/p  |
| 2  | Боланинг Ф.И.О.  |
| 3  | Туғилган вақти ва жойи,  |
| 4  | Фуқаролиги, миллати  |
| 5  | Боланинг шахсий белгилари (бўйи, вазни, кўзининг ранги, сочи ва бошқалар)  |
| 6  | Боланинг соғлиги, жисмоний ва ақлий ривожланиш ҳолати  |
| 7  | Бола феъл-атворининг хусусиятлари (киришувчан, тортинчоқ ва ҳ. к.)   |
| 8  | Боланинг ота-она қарамогидан маҳрум бўлганлигининг сабаблари   |
| 9  | Боланинг ота-онаси ёки ёлғиз онасининг Ф.И.О., туғилган йили, фуқаролиги, миллати, соғлигининг ҳолати, доимий яшаш ёки турар жойи  |
| 10 | Боланинг voyга етмаган ака-ука, опа-сингилларининг Ф.И.О., туғилган вақти, соғлигининг ҳолати, улар турар жойи   |
| 11 | Боланинг voyга етган қариндошларининг Ф.И.О., туғилган йили, доимий яшаш ёки турар жойи, ушбу қариндошлар томонидан болани ўз оиласига тарбияга олиш рад этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар  |
| 12 | Болани оилга тарбияга беришнинг мумкин бўлган шакллари   |
| 13 | Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оилаларига тарбияга бериш борасида кўрилган чоралар тўғрисида маълумотнома   |
| 14 | Етим бола ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болага тегишли мол-мулк<br>ер майдони (ер майдонининг манзили, ҳажми (кв. м)), кўчмас мол-мулкка эгаллик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома (эгаллик ҳуқуқи — сотиб олиш, ҳая, алмаштириш, мерос ва б.) |
| 15 | турар жой (турар жой манзили, майдони (кв. м)), кўчмас мол-мулкка эгаллик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумот (эгаллик ҳуқуқи — сотиб олиш, ҳая, алмаштириш, мерос, хусусийлаштириш ва б.)   |
| 16 | бошқа мол-мулк (мол-мулк манзили, мол-мулк, мол-мулкка эгаллик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома (эгаллик ҳуқуқи — сотиб олиш, ҳая, алмаштириш, мерос ва б.))   |
| 17 | бола ҳақидаги маълумотлар ҳисобини юритиш билан тегишлилиги тўғрисида маълумотнома   |

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкани ҳисобга олиш давлат реестри тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкни ҳисобга олиш давлат реестри тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, вояга етган, соғлиғи  
ҳолатига кўра васийлик ёки ҳомийликка мухтож фуқароларнинг  
АНКЕТА МАЪЛУМОТЛАРИ**

| Т/р | Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, соғлиғи ҳолатига кўра ҳомийликка мухтож шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми | Муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган, соғлиғи ҳолатига кўра ҳомийликка мухтож фуқаронинг тутилган вақти ва жойи | Муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган, соғлиғи ҳолатига кўра ҳомийликка мухтож фуқаронинг фуқаролиги | Муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган, соғлиғи ҳолатига кўра ҳомийликка мухтож фуқаронинг миллати | Фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори ҳақидаги маълумотнома | Муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган фуқароларга тегишли мол-мулк |   |  |   |   | Муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, соғлиғи ҳолатига кўра васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига мухтож фуқаролар ҳақидаги маълумотлар ҳисобини юритиш тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумотнома |  |
|-----|---|---|---|--|---|---|---|--|---|---|--|--|
|     |   |   |   |  |   | ер майдони (ер майдонининг манзили, ҳажми (кв. м))                          | кўчмас мол-мулкка эгаллик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги | турар жой (турар жой манзили, майдони (кв. м)) | турар жойга эгаллик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги | бошқа мол-мулк (мол-мулк манзили, мол-мулк, мол-мулкка эгаллик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотнома (эгаллик ҳуқуқи — сотиб олинш, ҳадя, алмаштириш, мерос ва бошқалар)) |  |  |
| 1   |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 2   |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 3   |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 4   |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 5   |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 6   |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 7   |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 8   |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 9   |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 10  |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 11  |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |
| 12  |   |   |   |  |   |   |   |  |   |   |  |  |

**Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг  
АНКЕТА МАЪЛУМОТЛАРИ**

| 1  | Т/р   |
|----|---|
| 2  | Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми   |
| 3  | Шахсни тасдиқловчи ҳужжат тури, серияси, рақами, берилган санаси ва берган орган  |
| 4  | Фуқаролиги, миллати   |
| 5  | Тутилган вақти ва жойи  |
| 6  | Яшаш ёки турар жойи манзили, телефон рақами, электрон почта манзили   |
| 7  | Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг яшаш шартини  |
| 8  | Фарзандликка олувчи, васий (ҳомий) ёки тутинган ота-она бўлиши асослиги тўғрисидаги шахснинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органи хулосаси (санаси ва рақами)  |
| 9  | Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган чет эл фуқаросининг ва чет элда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг яшаш шартини, унинг васий, ҳомий ёки фарзандликка олувчи бўлиши асослиги тўғрисидаги хулоса (санаси ва рақами)                 |
| 10 | Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг улар доимий яшайдиган давлатнинг норматив ҳужжатларига мувофиқ берилган хулосаси (санаси ва рақами)   |
| 11 | Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахс тўғрисидаги маълумотлар  |
| 12 | Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани ўз оиласига тарбияга олиш истагини билдирган шахс танлаган бола тарбияланаётган муассасага берилган йўллама ҳақидаги маълумотнома   |
| 13 | Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг етим бола, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани ўз оиласига тарбияга олиши ёки сабаби кўрсатилган ҳолда уни олишдан воз кечиб тўғрисидаги аризаси (болани тарбияга олишни рад этган тақдирда) |
| 14 | Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳисобини юритиш тўхтатилганлиги тўғрисида маълумотнома  |

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкини ҳисобга олиш давлат реестри тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий  
ҳужжатлари йиғмажилдини юритиш ва васий ёки ҳомий  
томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисида  
ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш ва васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш, васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш қуйидагиларни таъминлаш мақсадида амалга оширилади:

васийликдаги ёки ҳомийликдаги ҳамда васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг зарур ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни жойлаштириш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар базасини юритиш;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш;

васийлар ва ҳомийлар мажбуриятларининг бажарилишини, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг таъминоти, уларга тарбия ва таълим бериш шароитларини, шунингдек мол-мулки сақланишини назорат қилиш.

**II. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий  
ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш**

3. Васийлик ва ҳомийлик органи васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳар бири учун шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантиради.

4. Васийлик ёки ҳомийликдаги вояга етмаганларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида қуйидаги ҳужжатлар сақланади:

а) туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, фуқаролик ҳолати дало-

латномаларини қайд этиш органи томонидан берилган туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтаридан кўчирма;

б) болага васийлик ёки ҳомийликнинг белгиланиши ҳақидаги туман, шаҳар ҳокимининг қарори, васийлик ва ҳомийлик органининг васий ёки ҳомийнинг тайинланиши ҳақидаги хулосаси ёки етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларга берилган йўлланма нусхаси;

в) боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум этилганлигини ёки бола тарбиясида иштирок этиш имкони йўқлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатларнинг бири:

ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суд қарори;

ота-онанинг, ёлғиз ота ёки онанинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома;

боланинг топиб олинганлиги (ташлаб кетилганлиги) ҳақидаги ички ишлар органи ёки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилган ҳужжат;

ота-онанинг (ёлғиз ота ёки онанинг) боланинг фарзандликка олинишига розилиги тўғрисида белгиланган тартибда расмийлаштирилган аризаси;

ота-онанинг жиноят содир этилганлиги бўйича гумон қилинувчи ва айбланувчи шахс сифатида тергов ҳибсхонасида ёки озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазони ижро этиш муассасаларида эканлиги ҳақидаги маълумотнома;

ота-онанинг озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганлиги тўғрисида суд қароридан нусха;

г) тиббий ҳужжатлар, шу жумладан васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг соғлиги тўғрисида тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси, шунингдек, психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосаси (имконияти чекланган шахслар учун);

д) васий ёки ҳомийнинг васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни сақлаш, фойдаланиш ва ушбу мол-мулкни бошқариш тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органи раҳбари томонидан тасдиқланган, ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакл бўйича йиллик ҳисоботлари.

5. Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар, соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида қуйидаги ҳужжатлар бўлади:

а) паспорт нусхаси;

б) фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори;

в) шахсга васийлик ёки ҳомийликнинг белгиланиши ҳақидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори;

г) тиббий ҳужжатлар, шу жумладан васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг соғлиги тўғрисида тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси;

д) васий ёки ҳомийнинг васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулк

кини сақлаш, ундан фойдаланиш ва ушбу мол-мулкни бошқариш тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органи раҳбари томонидан тасдиқланган, ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакл бўйича йиллик ҳисоботлари (муомага лаёқатсиз фуқаролар учун).

6. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма-жилдига қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда қўшимча равишда киритилади:

а) уй дафтарида кўчирма ёки васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг турар жойидан оила аъзолари ҳақидаги маълумотнома;

б) турар жой ва бошқа кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (эгалик ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома, турар жойни ижарага бериш шартномаси, ордери);

в) васийлик ёки ҳомийликдаги шахсга тегишли мол-мулкнинг рўйхати ва мол-мулкнинг сақланиши учун жавобгар шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

г) васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг турмуш шароитларини текширувдан ўтказиш далолатномаси;

д) васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг номига банкда ҳисоб рақамини очиш тўғрисидаги шартнома;

е) ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлари ва уларнинг яшаш (турар) жойлари ҳақидаги маълумотлар;

ж) суднинг алиментлар ундириш тўғрисидаги қарори, нафақа олувчи васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг пенсия гувоҳномаси;

з) тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг ногиронликни белгилаш тўғрисидаги қарори, ногироннинг реабилитация дастури;

и) васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг даромадларини тақсимлаш ҳақидаги васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатномаси;

к) васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг эҳтиёжлари учун пул маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги васий ёки ҳомийларнинг ҳисоботи ва сарфхаражатларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

л) васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг манфаати учун тузилган шартномалар;

м) меросга эга бўлиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

н) иш (ўқиш) жойидан маълумотнома;

о) васий ёки ҳомий бўлиш ёки болани оилага тарбияга олиш истагини билдирган шахсларнинг васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг тиббий ташхисдан хабардорлиги тўғрисида маълумотлар;

п) ўн ёшга тўлган васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг унга нисбатан васий ёки ҳомий тайинлашга розилиги (аризаси).

7. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг шахсий ҳужжатлар йиғма-жилдида ҳужжатларнинг асл нусхалари, қайта берилган ҳужжатлар (дубликатлар), ҳужжатларнинг нусхалари, шунингдек қонунда белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ҳужжатлар киритилади.

8. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсга тааллуқли бўлган янги маълум-

мотлар аниқланганда, тегишли ҳужжатлар шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшилади ва маълумотларга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

9. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритиш, сақлаш ва ҳужжатларнинг рўйхатини тузиш ишлари васийлик ва ҳомийлик органининг мутахассиси томонидан амалга оширилади.

10. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишли, ушбу Низом 4-бандининг «а», «в» кичик бандида, 6-бандининг «б», «в», «д», «м» кичик бандларида қайд этилган ҳужжатлар (мавжуд бўлган ҳолда) туман, шаҳар ҳокимининг васийлик ёки ҳомийликни белгилаш тўғрисидаги қарори чиққандан сўнг уч кун мобайнида васий ёки ҳомийга имзо қўйдирган ҳолда топширилади. Васийлик ва ҳомийлик тугатилгандан сўнг васий ёки ҳомий томонидан ҳисобот ва тегишли ҳужжатлар васийлик ва ҳомийлик органига топширилади.

11. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг турар жойи ўзгарган тақдирда васий ёки ҳомий томонидан берилган маълумотларга кўра мазкур шахс муқаддам яшаган жойидаги васийлик ва ҳомийлик органи шахснинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини уч кун мобайнида янги турар жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига жўнатади. Янги турар жойидаги васийлик ва ҳомийлик органи васийлик ва ҳомийликдаги шахснинг ҳужжатларини қабул қилгандан сўнг бир кун мобайнида мазкур шахсни белгиланган тартибда рўйхатга олиши шарт.

12. Вояга етмаганни етим ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасадан шу турдаги бошқа муассасага ўтказишда унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди мазкур муассаса раҳбарига имзо қўйдирилган ҳолда топширилади. Ҳужжатларнинг нусхалари васийлик ва ҳомийлик органида сақланади.

13. Вояга етмаган етим ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасадан васийлик ёки ҳомийликка берилганда шахсий ҳужжатлар йиғмажилди боланинг янги яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига юборилади.

14. Вояга етмаган етим ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасадан чиқарилгандан кейин боланинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди унинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига юборилади.

15. Вояга етмаган етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасадан чиқарилгандан кейин, шунингдек васийлик ёки ҳомийлик тугатилганда унга қўйидаги ҳужжатлар топширилади:

паспорт;

тиббий маълумотномалар, шу жумладан васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг соғлиғининг ҳолати тўғрисида тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосалари, шунингдек психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосаси (имконияти чекланган шахслар учун);

таълим муассасасидан таълим олганлиги ҳақида маълумотнома;  
турар жойи, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларининг мавжудлиги ҳақидаги ҳужжатлар;

мол-мулкка, пул маблағларига бўлган ҳуқуқи, турар жойга эгалик ҳуқуқи ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасада бўлганлиги тўғрисидаги маълумот;

пенсия гувоҳномаси (мавжуд бўлганда).

16. Васийлик ёки ҳомийликдаги вояга етмаган етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасага топширилганда васийлик ва ҳомийлик органи:

а) шахсий ҳужжатлар йиғмажилдидаги ҳужжатлар рўйхатини, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органининг раҳбари ҳамда етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассаса томонидан имзоланадиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини топшириш далолатномасини тузади;

б) шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида сақланаётган ҳужжатларни етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассаса раҳбарига рўйхат бўйича топширади;

в) васийлик ёки ҳомийликдаги шахсни етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасага юбориш ҳамда шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини топшириш далолатномасини ва ҳужжатлар рўйхатини сақлайди.

17. Васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳисобга олинган шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар васий ёки ҳомий этиб тайинлангандан сўнг васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдида сақланади.

### **III. Васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисидаги ҳисобот**

18. Васий ва ҳомий ўз мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар йили ўнинчи январгача васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этади.

19. Васий ёки ҳомийнинг ҳисоботида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга тегишли бўлган ва сақлаш учун топширилган мол-мулкнинг сақланаётган жойи ва унинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар;

васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан васийлик ёки ҳомийликдаги шахсга тегишли мол-мулкнинг бегоналаштирилиши ҳақидаги маълумотлар (шундай ҳолатлар мавжуд бўлса);

мол-мулк, шу жумладан бегоналаштирилган мол-мулк эвазига сотиб олинган мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар;



йил давомида васийлик ёки ҳомийликдаги шахс томонидан олинган даромад тўғрисида, даромад манбаи, вақти ва миқдори кўрсатилган маълумотлар;

олинган даромадлар ҳисобига васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг эҳтиёжлари учун сарфланган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар;

васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулки ҳисобидан қилинган харажатлар ҳақидаги маълумотлар;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсни тарбиялаш, унга таълим бериш, соғлиғини муҳофаза қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар.

20. Васий ёки ҳомийнинг ҳисоботи васийлик ва ҳомийлик органининг раҳбари томонидан тасдиқлангандан кейин васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили иштирокида васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулки рўйхатидан яроқсиз ҳолатга келган мол-мулкнинг номлари (улар мавжуд бўлган ҳолларда) чиқарилади ва рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

21. Васийлик ва ҳомийлик органи васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини сақлашда ундаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

#### IV. Яқунловчи қоидалар

22. Васийлик ёки ҳомийлик тугатилиши билан шахсий ҳужжатлар йиғмажилди васийлик ва ҳомийлик органининг архивига сақлаш учун топширилади.

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди васийлик ва ҳомийлик органининг архивида 75 йил мобайнида сақланади.

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш ва васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга  
1-ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

\_\_\_\_\_  
(Васийлик ва ҳомийлик органи раҳбарининг  
Ф.И.О. ва имзоси)

М.Ў.

201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
(ҳисобот тузилган сана)

**Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли турар жой ва бошқа мол-мулкнинг сақланиши ҳолати тўғрисида васий ёки ҳомийларнинг \_\_\_\_\_ йил учун  
ҲИСОБОТИ**

1. Ҳисобот тақдим этилди

\_\_\_\_\_  
(васий, ҳомий ёки тутинган ота-онанинг тулик яшаи манзили)

манзили бўйича истиқомат қилувчи

Паспорт рақами ва серияси:

Паспорт ким томонидан ва қачон берилган:

Туғилган санаси \_\_\_\_\_, туғилган жойи \_\_\_\_\_

Телефон рақами \_\_\_\_\_

Иш жойи ва лавозими \_\_\_\_\_

2. Ҳисобот етим бола, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаро)

\_\_\_\_\_  
(етим бола, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаронинг Ф.И.О.)

га тегишли турар жой ва бошқа мол-мулкнинг ҳолати ва сақланиши тўғрисида тузилди.

3. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаро) ни жойлаштириш вақти ва шакли

4. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаро) нинг яшаш (турар) манзили

5. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаро)га тегишли турар жой ва бошқа мол-мулк тўғрисида маълумотлар

| Т/р | Мол-мулкнинг тури ва номи | Асосий харидлар* | Манзили | Майдони (кв. м) | Мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар |
|-----|---------------------------|------------------|---------|-----------------|---|
| 1.  | Ер участкаси**            |                  |         |                 |   |
| 2.  | Турар жой (квартира)      |                  |         |                 |   |
| 3.  | Хонадон, дала ҳовли       |                  |         |                 |   |
| 4.  | Транспорт воситалари      |                  |         |                 |   |
| 5.  | Банк ҳисоб рақами         |                  |         |                 |   |
| 6.  | Бошқалар                  |                  |         |                 |   |

\* Асосий харидлар (сотиб олиш, ҳадя, алмашиш, мерос ва бошқалар), шунингдек тегишли шартнома ёки далолатнома реквизитлари (санаси, тартиб рақами) кўрсатилади.

\*\* Ер участкасининг тури (хусусий уй-жой қурилиши, дала ҳовли, боғ, томорқа учун ва бошқалар) кўрсатилади.

6. Кўчмас мулкнинг, шу жумладан, турар жойнинг сақланиши ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар

| Т/р | Мол-мулкнинг тури    | Мол-мулк таркибининг ўзгариши* | Изоҳ** |
|-----|----------------------|--------------------------------|--------|
| 1.  | Ер участкаси**       |                                |        |
| 2.  | Турар жой (квартира) |                                |        |
| 3.  | Хонадон, дала ҳовли  |                                |        |
| 4.  | Транспорт воситалари |                                |        |
| 5.  | Банк ҳисоб рақами    |                                |        |
| 6.  | Бошқалар             |                                |        |

\* Кўчмас мулк таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар кўрсатилади.

*\*\* Васийлик ва ҳомийлик органларининг етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаро)га тегишли турар жойни ўрганиш натижаси бўйича тuzилган далолатномаларнинг реквизитлари (санаси, тартиб рақами) кўрсатилади.*

7. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаро)га тегишли мол-мулкдан, жумладан турар жойдан тушаётган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар:

| Т/р | Даромадлар манбаининг номи     | Манзили | Даромад суммаси (сўм) | Асос* | Банк реквизитлари, шахсий ҳисоб рақами** |
|-----|--------------------------------|---------|-----------------------|-------|--|
| 1.  | Ер участкаси                   |         |                       |       |  |
| 2.  | Турар жой (квартира)           |         |                       |       |  |
| 3.  | Хонадон, дала ҳовли            |         |                       |       |  |
| 4.  | Транспорт воситалари           |         |                       |       |  |
| 5.  | Банк ҳисоб рақами              |         |                       |       |  |
| 6.  | Бошқалар (алимент, нафақа)     |         |                       |       |  |
| 7.  | Ҳисобот давридаги жами даромад |         |                       |       |  |

*\* Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаро)га тегишли мулкни қонунчиликка мувофиқ сотишга рухсат берувчи васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилган далолатномаларнинг реквизитлари (санаси, тартиб рақами) ва мулкнинг уларнинг тасарруфидан чиқарилиши ҳақидаги шартнома реквизитлари кўрсатилади.*

*\*\* Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз шахс)га тегишли мулкдан олинаётган маблағларни қабул қилаётган банкнинг реквизитлари, болаларнинг шахсий ҳисоб рақами кўрсатилади.*

8. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаро)га тегишли турар жой ва бошқа мол-мулк ҳисобидан қилинган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар

| Т/р | Харажат турлари  | Қиймати (сўм) | Сана* |
|-----|--|---------------|-------|
| 1.  | Мажбурий бадаллар ва мажбурий тўловлар — ҳисобот даври учун жами |               |       |
| 2.  | Турар жойни таъмирлаш:<br>1)<br>2)<br>Ҳисобот даври учун жами    |               |       |

| Т/р | Харажат турлари   | Қиймати (сўм) | Сана* |
|-----|---|---------------|-------|
| 3.  | Бошқа харажатлар<br>1)<br>2)<br>Хисобот даври учун жами |               |       |
| 4.  | Хисобот даври учун жами харажатлар                      |               |       |

\* *Етим бола ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола (муомалага лаёқатсиз фуқаро)нинг шахсий ҳисоб рақамидан пул маблағлари олинган сана ва ушбу маблағлар ҳисобига бажарилган харажатлар санаси кўрсатилади.*

9. Ушбу ҳисоботнинг 7, 8-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар нусхаси ҳисоботга илова қилиниши зарур.

\_\_\_\_\_ (ҳисобот тузган шахснинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини юритиш ва васий ёки ҳомий томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга  
2-ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

\_\_\_\_\_ (Васийлик ва ҳомийлик органи раҳбари Ф.И.О. ва имзоси)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Васийнинг ёки ҳомийнинг ўз мажбуриятларини бажариши юзасидан 20\_\_ йилда амалга оширилган ишлар бўйича  
ҲИСОБОТНИНГ НАМУНАСИ**

Мен, \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ҳокимининг (ХТМФМТТЭБнинг) \_\_\_\_\_ -сон қарори (контракт шартномаси) билан вояга етмаган \_\_\_\_\_ устидан васий (ҳомий) этиб тайинланганман (оилага тарбияга олганман).

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

20\_\_\_ йилда васийлигимдаги (ҳомийлигимдаги, тарбиямдаги) вояга етмаган \_\_\_\_\_ ни тарбиялаш, соғлигини муҳофаза қилишга доир қўйдаги ишларни амалга оширдим:

Васийлигимдаги (ҳомийлигимдаги, тарбиямдаги) \_\_\_\_\_ хозирги кунда соғлом (носоғлом), диспансер ҳисобида турмайди (туради), туман (шаҳар) тиббий ҳудудий бирлашмаси томонидан ташкил этилган тор доирадаги мутахассислар томонидан 20\_\_\_ йилда тиббий кўриқдан ўтказилди, даволанди \_\_\_\_\_ тумани (шаҳар)даги \_\_\_\_\_-сон мактаб, \_\_\_\_\_ академик лицей (коллеж)нинг \_\_\_\_\_-синфида (босқичида) таълим олади. Вояга етмаган учун \_\_\_\_\_ сўм миқдоридан нафақа тайинланган. Вояга етмаган \_\_\_\_\_ нинг отаси \_\_\_\_\_ (Ф.И.О)

\_\_\_\_\_ йилда, онаси \_\_\_\_\_ (Ф.И.О)

\_\_\_\_\_ йилда вафот этган, (ота-она ҳуқуқидан маҳрум этилган, қаердалиги номаълум, фарзанди тарбиясида иштирок этмайди). Вояга етмаган \_\_\_\_\_ билан ўзаро муносабатларимиз яхши (яхши эмас), оила аъзоларим билан муносабатлари яхши (яхши эмас), \_\_\_\_\_ тўғарагига қатнашади, спортнинг \_\_\_\_\_ тури билан шуғулланади, спорт мусобақалари, танловлар, олимпиадаларда иштирок этади (этмайди), таълим муассасасининг жамоа ҳаётида фаол иштирок этади.

Вояга етмаган \_\_\_\_\_ га тегишли бўлган \_\_\_\_\_ да жойлашган уй-жой, бошқа мол-мулк тўлиқ сақланмоқда.

\_\_\_\_\_  
(Васий (ҳомий, тарбияга олган)нинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ушбу Низомга мувофиқ ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик органларига:

ота-онаси вафот этганда ёки суд томонидан вафот этган деб эълон қилинганда;

ота-онаси ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум бўлганда ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланганда;

ота-онаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилганда;

ота-онаси икки ойдан ортиқ касал бўлиб, оқибатда ота-оналик ҳуқуқини бажара олмаганда;

ота-онаси олти ойдан ортиқ бўлмаганда, бола улар томонидан олти ойдан ортиқ муддатга қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилганда;

ота-она яшаш жойида олти ойдан кам муддатга вақтинча бўлмаганда, башарти бола улар томонидан қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлиб, агар бу боланинг манфаатлари учун зарур бўлса;

ота-онаси болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бош тортганда;

ота-онаси болаларини тарбия муассасаларидан, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва шунга ўхшаш муассасалардан олишни рад этганда тақдим этилади.

Маълумотлар, шунингдек ота-онаси номаълум бўлган ёхуд улар суд томонидан бедарак йўқолган деб эътироф этилган, ота-она тарбиясида бўлиши боланинг манфаатларига зид бўлган, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирилган, болалар одам савдоси қурбони бўлган ҳолларда, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда ҳам тақдим этилади».

2. 18-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган» сўзлари билан алмаштирилсин.